



# Қисқача Қирғизистонда плюрализм истиқболи

## Плюрализм глобал маркази

Май 2015

Қирғизистон бирлашган ҳамда тинч жамият қуриш йўлида ҳам олға силжиди, ҳам муаммоларни бошдан кечирди. Мазкур мухтасар Қирғизистонда плюрализм “юрғизувчилари”ни ўрганиб чиқади ҳамда ҳаммани ўз ичига олувчи жамият қуришни қўллаш учун имкониятларни ва бошланғич қадамларни белгилаб беришга уринади. Ушбу мақола Плюрализм глобал маркази буюртмасига биноан Қирғизистонда плюрализм истиқболи бўйича олиб борилган изланишга асосланади. Мақоланинг хулосалари оптимистик: Қирғизистонда плюрализм илғорлари ҳамда фуқаровий ўзликнинг умумий ва ҳаммани ўз ичига олувчи асосини илгари суриш учун имкониятлар бор.

## I. Нима учун айнан Қирғизистон?

Авторитар мамлакатлар билан ўралган Қирғизистон охириги йигирма йил давомида демократик ривожланиш сари катта қадамларни ташлади. Аммо кўп миллатли бу мамлакат ўз халқи орасида умумий ўзлик ҳамда давлатчилик ҳиссини туғдиришда қийинчиликларга учраб келмоқда. 2010 йилда Қирғизистонда Ўрта Осиёда илк марта эркин ва адолатли сайловлар бўлиб ўтди ва мамлакат узокни кўзловчи конституцияни қабул қилди. Шундай бўлса-да, мамлакат яқин тарихида икки марта ҳукумат алмашди ҳамда қонли миллий низо рўй берди. Қирғизистон мустақилликка эришганидан бери қирғизлар ҳамда этник озчиликлар, хусусан, ўзбеклар ўртасида тарангликларни бошидан кечириб келмоқда. Бу тарангликлар иқтисодий ҳамда ҳудудий босимлар таъсирида янада ёмонлашди. Мамлакатда ёрқинроқ келажакка эришишнинг иложи борми?

Доктор Эрика Марат Плюрализм глобал маркази буюртмасига биноан ёзган “Қирғизистон: Плюрализм истиқболи” деб номланувчи мақолага асосланган ҳолда мазкур мухтасар Қирғизистонда миллат тушунчаси билан чекланмаган, барчани ўз ичига олувчи фуқаролик жамиятини ҳамда миллий давлатни тузишда дуч келинадиган муаммо ва имкониятларни кўриб чиқади. Плюрализм глобал маркази белгилаб берган плюрализм “юрғизувчилари” мақола учун асос қилиб олинди.

## II. Қирғизистондаги плюрализм “юрғизувчилари”

Плюрализм сари ривожланиш жамиятнинг барча аспектини, жумладан, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳамда иқтисодий алоқаларни ўз ичига олади. Жамиятда аъзоларнинг “киритилиши” ва “киритилмаслигини” белгиловчи унсурларни таҳлил қилишда Плюрализм глобал маркази олти плюрализм “юрғизувчиси”дан фойдаланади.

### Тирикчилик ҳамда моддий фаровонлик

Қирғизистон собиқ совет мамлакатлари ичида энг қашшоқ давлатларнинг биридир. Камбағаллик бўлса мамлакатда тарангликларга олиб келаётган унсурларнинг биридир. Қишлоқ жойларда қашшоқлик даражаси шаҳарларга қараганда икки бараварга юқори ва этник гуруҳлар орасида бирдай тарқалмаган. Дунё банки маълумотларига кўра, этник руслар орасида камбағиллик бошқаларга нисбатан озроқ учрайди, ўзбеклар орасида бўлса қашшоқлик кўрсаткичи энг юқоридир.

Бундан ташқари, мамлакатда ҳудудий фарқлар ҳам бор: камбағалларнинг учдан бир қисми ўзбеклар кўп бўлган Ўш вилоятида яшайди. Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин аёллар иш бозоридаги ўринларидан ва бу билан бирга бола ўстириш ҳамда ишлаш талабларини мувофиқлаштириш учун олган субсидияларидан айрилдилар. Жинслар ўртасидаги фарқлар оилавий фаровонликни заифлаштириб келади. Жинслар ўртасидаги фарқларни ойликлар миқдорида ва аёл ва эркекларнинг оиладаги ҳамда иқтисодий ролида кузатиш мумкин. Ёшлар учун бўлса мамлакатнинг суиқтисодида ўз ўринларини топиш осон эмас.

Бир вақтлар Қирғизистон иқтисодида қишлоқ хўжалиги устун турган. Ҳозирги кунда мамлакат иқтисоди олтин экспорти ва савдога тобедир. Бу иккала соҳа ҳам сиёсий таъсирлар остида қолмоқда. Бозорларда рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган ҳаракатларга мамлакатдаги йирик “қора бозор”лар тўсқинлик қилиб келади. Бундай бозорларда иқтисодий муносабатлар рўйхатга олинмайди ва улар учун солиқ тўланмайди. Қирғизистоннинг гидроэнергетика

### Плюрализмни юрғизувчи кучлар

Турли аъзоларга эга жамиятларда “киритиш” ва “киритмаслик” манбалари

#### Тирикчилик ҳамда моддий фаровонлик

Фуқароларнинг (ҳам эркек, ҳам аёл) ҳукумат ресурсларидан одилона фойдалана олиши, иқтисодий хавфсизлик ва фаровонликка эришиш учун бозорда иштирок эта олиши

#### Қонун ва сиёсат

Турли-туманликнинг таркибий (қадриятлар, қонунлар, сиёсатлар, дастурлар) ҳамда жараён (муассасавий механизмлар) жиҳатдан бошқарилиши

#### Фуқаролар ва фуқаролик жамияти

Умумий фуқаровий ўзлик асослари ҳамда фуқаролик жамиятининг турли-туманликни бошқаришдаги роли (яъни, фуқаролар, ташкилотлар, институтлар, диний муассасалар, бизнес, матбуот, илмий ҳамжамият)

#### Таълим ва маданият

Фарқ ва ҳар хилликка бериладиган ижтимоий/маданий маънолар ва уларнинг расмий ва норасмий тарбия ҳамда бошқа йўллар билан авлоддан-авлодга ўтиши

#### Тарих ва хотира

Жамиятда одат бўйича тарихнинг қандай ўрганилиши ҳамда умумий хотира ҳамда муроасага келиш усулларининг ҳамжиҳат фуқароликка эришиш йўллари сифатидаги роли

#### Ҳудудий таъсирлар

Қўшниларнинг таъсири, трансмиллий ўзлик, ернинг (шаҳар, қишлоқ) ҳар хилликни бошқаришга бўлган таъсири ҳамда турли аъзоларга эга жамиятларда кўп маданиятли шаҳарларнинг роли



Кўп миллатли Қирғизистон Тожикистон ҳамда анча катта бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Хитойда давлатлари билан чегарадошдир

берса-да, миграция ижтимоий муаммоларни туғдиради. Кўп ёш бола ота-онаси тирикчилик учун четда меҳнат қилаётгани боис бобоси ва бувиси қўлида ўсади.

Плюрализм ривожлана оладиган муҳитни яратиш учун аёллар, ёшлар ҳамда этник озчиликларга имтиёзлар бериш орқали камбағаллик билан курашувчи иқтисодий стратегияларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

### Қонун ва сиёсат

Қирғизистон мустақилликка эришганидан бери қийинчиликларга қарамадан сиёсий доирада очиқлик ва плюрализм сари катта қадамлар ташлади. Мамлакатнинг янги конституцияси фуқароларни ажратмайди ва барча фуқаролар миллат, дин ёки жинсдан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эгаллигини кафолатлайди. Конституцияда яна аёллар, этник озчиликлар ҳамда ёшлар парламент аъзоларининг камида 30 фоизини ташкил қилиши кераклиги айтилган. Аммо амалда бу олий мақсадларга эришилганича йўқ; мазкур квоталар ва шунга ўхшаш бошқа қоидалар парламент аъзолари орасидаги хилма-хилликни оширгани йўқ.

Шундай бўлса-да, парламент тизимини жорий қилган конституцияни кўпчилик қўллаб қўлайди. Ўтказилган референдумда иштирок этганларнинг 90 фоизи жорий конституцияни қўллаб овоз берди. Конституция қабул қилинганидан кейин 2010 йилда адолатли парламент сайловлари бўлиб ўтди. Кейинги йилда бўлса президент сайловлари натижасини инобатга олган ҳолда ҳукумат раҳбарлари алмашди. Қирғизистоннинг сиёсий сахнаси ҳозирги кунда жуда жўшқин: 2010 йилги парламент сайловларида 29 партия номзодлари қатнашди. Беш партия парламентда ўрин эгаллаш учун лозим бўлган 5 фоиз овозни тўплашга муваффақ бўлди.

Қирғизистон ҳукумати аъзолари орасида плюрализм пешқадамлари бор. Одоб-ахлоқ, диний сиёсат ҳамда фуқаровий жамият билан ўзаро муносабатлар бўлими етакчилигида 2012 йилда тайёрланган “Қирғиз Республикасининг миллий бирдамлик ҳамда миллатлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича концепцияси” Атамбаев маъмурияти 2010 йилги зўравонликлардан кейин плюрализмни тарғиб қилиш ниятида эканлигидан далолат берди.

соҳасини яхшилаш мамлакат иқтисодини ривожлантиришга ҳисса қўшиши мумкин. Аммо янги иншоотлар қуриш бошқарув ислохотларига боғлиқ бўлиб, ёз ойларида Қирғизистондан оқиб борадиган сувга тобе бўлган Ўзбекистон билан алоқани янада таранглатиши мумкин.

Меҳнат муҳожирлари юборадиган маблағлар иқтисодга ижобий таъсир кўрсатади. Аммо миграция оила ва ижтимоий ҳаётга ҳамда мамлакатнинг ривожланиш истиқболига салбий таъсир кўрсатади. Дунё банкига кўра, 600 000 дан ошди қирғизистонлик, яъни мамлакат аҳолисининг 11 фоизи четда истиқомат қилади. Муҳожирлар юборган пул уларнинг оилаларига ўз қишлоқларида яшаш ва муҳим ижтимоий ҳамда маданий алоқа ва удумларни сақлаб қолиш имконини

Маҳаллий бошқарувда ҳам фуқароларни ажратмайдиган сиёсий манзара сари интилишларни кузатиш мумкин. Аксар маҳаллий бошқарув органларида ҳозирги кунда аёллар ҳамда озчиликлар вакиллари сони аввалгидан кўпроқдир. 2012 йилги маҳаллий кенгаш сайловлари кўп жойда рақобат руҳида ўтди, сиёсий партиялар мустақил кузатувчиларни хушнудлик билан қарши олди.

2010 йилги миллатлараро зўравонликдан кейин гуруҳлар ўртасидаги ишончни тиклаш учун суд тизимини ислоҳ қилиш керак бўлади. Ҳозирги кунда тизимда порахўрлик ҳамда тарафкашлик кенг тарқалган. Қирғизистонликлар ўтмишдаги йўқотишлар ўрнини тўлдириш билан чекланиб қолмай, кенг миқёсда адолат ўрнатилишини истайдилар. Ҳозирда ижтимоий ҳамда иқтисодий тенгсизлик билан курашиш учун қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда кучли суд институтларини қуриш учун имкониятлар бор. Фуқаролик жамияти гуруҳлари мавжуд тенгсизликларга ҳамда керакли ислоҳотларга эътибор қаратишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

### Фуқаролар, фуқаролик жамияти ҳамда ўзлик

Қирғизистон бирлаштирувчи фуқаровий ўзликка эга бўлмагани учун этник қирғизларларнинг ҳадиксирашлари ҳамда этник озчиликлар, хусусан, ўзбекларнинг истаклари ўртасида қолмоқда. Амма ҳар доим бундай бўлмаган. Қирғизистонда совет давридан аввалги ўзлик тушунчалари мураккаб бўлган ҳамда уларда миллат унчалик муҳим роль ўйнамаган. Мустақилликнинг илк йилларида фуқаролар ажратилмади, илк президент Асқар Ақаев “Қирғизистон – бизнинг умумий уйимиз” шиори остида фуқароликка асосланган давлатчилик ғоясини илгари сурди. Аммо кейинги йилларда мамлакат сиёсатида миллатчилик ажв олди, этник даъволар ҳамда стереотиплар кучайди. Натижада қирғизлар Қирғизистон давлатини қурувчи халқ сифатида шаклланди. Бу бўлса одамлар ўзини у ёки бу гуруҳнинг аъзоси деб ҳисоблашда асосланадиган фарқларга кўланка солди.

**“Қирғизистонда ҳамда бошқа кўп миллатли давлатларда олиб борилган изланишлар одамлар ўзларини маълум бир миллатнинг аъзоси сифатида кўриш билан чекланиб қолмай, бошқа фарқларга ҳам эътибор беришларини кўрсатади.”**

Қирғизистонда ҳамда бошқа кўп миллатли давлатларда олиб борилган изланишлар одамлар ўзларини маълум бир миллатнинг аъзоси сифатида кўриш билан чекланиб қолмай, бошқа фарқларга ҳам эътибор беришларини кўрсатади. Тил ҳамда жойлашган ерга асосланган мансублик, жумладан, ҳудудий ҳамда шаҳар-қишлоқ бўйича бўлиниш ўзликни белгиловчи энг муҳим омиллардандир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси 2013 йилда ўтказган сўров умумий фуқаровий ўзликни илгари суриш учун шароит борлигини кўрсатади: этник қирғизлар, айниқса,

мамлакат жанубида (70 фоиз) ўзликни белгиловчи энг муҳим омил миллат деб билса, бошқа миллат вакиллари фуқаролик муҳимроқ деб ҳисоблайди. Этник ўзбеклар фуқароликка асосланган ўзликни (56 фоиз) миллатдан (38 фоиз) муҳимроқ деб билади. Сўров натижалари мавжуд миллатлараро, ҳудудий, жинслар ўртасидаги ҳамда иқтисодий фарқларга қарамасдан, аҳолининг 91 фоизи Қирғизистон фуқароси эканлигидан “фахрланишини” ёки “жуда фахрланишини” кўрсатади. Бу кўрсаткич кўп миллатли айрим собиқ совет мамлакатларидагидан анча юқоридир. Изланишлар миллат эътиборга олинмаса, ўзликни белгилашда шахсий (ҳамда ижобий) белгилар муҳим роль ўйнай бошлашини кўрсатади.

Жинс аёллар ва эркеклар учун ўзлик белгилари сонини чеклайди. Кўпроқ ижтимоий эркинликларка эга бўлган йигитлар қизларга нисбатан кўпроқ таъсирлар остида бўлади ва турли хил жамоат жойларига чиқа олади. Эркеклар ўз жинслари учун хос бўлган машғулотлар билан эркинроқ шуғуллана оладилар. Ота-оналар турмушга чиқмаган

қизларини зўр бериб ҳимоя қиладилар. Бунинг сабабларидан бири қизларнинг ўғирлаб кетилиши, зўравонликка дучор бўлиши ҳамда оила қуришга мажбурланиши каби хавфларнинг мавжудлигидир.

Қирғизистоннинг фаол фуқаролик жамияти ўсиб бормоқда ҳамда ислохотларни қўллашда, жумладан, ажратувчи сиёсатларга қарши курашишда ижобий роль ўйнамоқда. Шаҳарлик ёшлар ўзгаришни қўллаб-қувватловчи энг ёрқин гуруҳлардан биридир. Хусусан, Бишкек ва Ўшдаги ёшлар гуруҳлари плюрализм қадриятларини илгари суришда жуда муҳим роль ўйнайдилар. Пойтахтда ёш фаоллар аёлларнинг ҳуқуқлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, суд ва милиция тизимини ислоҳ қилиш, шаҳар инфратузилмаси каби жуда кўплаб масалалар бўйича парламент ташаббусларини қўллаб келадилар. Ўшда бўлса ёш фаоллар кўп тилли матбуот ҳамда ярашиш тарафдорилар. Фуқаролик жамияти гуруҳлари ҳар қандай плюрализм лойиҳаси учун муҳим ҳамкор бўла олади.

### Таълим, дин ва матбуот

Таълим, дин ҳамда матбуот Қирғизистонда плюрализмни илгари суришда ижобий таъсир кўрсата оладиган муҳим институтлардир. Учала соҳада ҳам оптимист бўлиш учун асос ҳамда янада яхшиланиш учун имконият кўп.



Ҳеч кимни ажратмайдиган келажак умиди:  
Турли миллатга мансуб болалар Ўшдаги Ага Хан мактабида бирга таҳсил олмоқда (Расм Ага Хан ривожланиш тармоғидан олинди)

Фуқароликни шакллантиришда ҳамда ижтимоий ҳаракатчанликни оширишда таълим жуда муҳим роль ўйнайди. Аммо таълим Қирғизистонда ҳали бошқа жамиятлардагидек катта ўзгаришларга олиб келганича йўқ. Плюрализмни илгари суриш учун мактаб дастурида тил ва маданий мерос соҳалари кучайтирилиши зарур. Сиёсий ҳамда моддий сабабларга кўра, қирғиз тили рус тили билан бир қаторда мамлакатнинг расмий тили бўлишига қарамасдан, уни ўқитиш ҳамда ишлатиш оқсоқламоқда. Қирғиз тили статуси хавфдан холи бўлмагани учун миллатчилар миллий озчиликлар тилларига ҳамда маданий меросига эътибор қаратиш қирғизларнинг тил ва маданиятига таҳдид солишидан хавотирдалар.

Ҳозирги ҳукумат қирғиз тилининг мавқеини ошириш учун сармоя ётқизиш келади: 2013 йилда қирғиз тилини мактабларда ҳамда ҳукумат агентликларида тарғиб қилиш учун тахминан 213 000 доллар ажратилди. Қирғизистон ҳукумати тилнинг суист мақоми ҳақидаги

### Плюрализм

Плюрализм одамлар орасидаги фарқларни ҳурмат қилиш ахлоқидир. Бу ҳурмат фуқароларнинг ажратилмаслигида намоён бўлади. Плюралистик жамиятларда ҳар бир шахс қадрланади ва давлатнинг тенг бир “ташкилий қисми” ҳисобланади. Плюрализмга эришиш учун одатда фуқароликка ҳамда миллатга бўлган қарашларни кенгайтириш талаб қилинади – ҳам амалда, ҳам қонунларда. Фуқаролик жамиятлари ҳамда ҳукумат ҳамкорлик қилиши ва уларнинг ҳар бири ташаббус кўрсатиши керак.

“Фуқароликни шакллантиришда ҳамда ижтимоий ҳаракатчанликни оширишда таълим жуда муҳим роль ўйнайди. Аммо таълим Қирғизистонда ҳали бошқа жамиятлардагидек катта ўзгаришларга олиб келганича йўқ”

хавотирларга барҳам бериш орқали миллатчиларнинг тил плюрализмига бўлган қаршичилигини озайтириш умидадир. Расмийлар қирғиз тилини мамлакат бўйлаб тарғиб қилар эканлар, тил ва маданият плюрализмини сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари лозим.

Мустақилликка эришганидан кейин Қирғизистон таълим бюджетининг катта қисмидан айрилди. Ҳозирги кунда таълим тизимлари йирик сармояларга муҳтождир. Таълим беришнинг сифати паст бўлса-да (айниқса, қишлоқларда), деярли ҳамма саводхон. Мактабга бориш даражаси бўлса ҳам қизлар, ҳам

болалар учун 90 фоизга яқин. Олийгоҳларда қизларнинг сони юқори, талабалар орасида қизларнинг умумий сони йигитларникига қараганда тез ўсиб бормоқда.

Ҳамжиҳатликка эришишда дин ҳам муҳим роль ўйнай олади. Аҳолининг 88 фоизи, жумладан, қирғиз ва ўзбекларнинг аксарият қисми сунний мусулмонлардир. 1990 йиллардаги либерал диний сиёсат туфайли ҳозирги кунда Қирғизистонда дин эркинлиги нисбатан юқори. Мамлакатда насронийлик, ислом, иудаизм ҳамда бошқа динларнинг турли йўналишлари бор. Диний экстримизм билан курашиш мақсадида қўйилган бир қанча чекловга қарамасдан, Пью изланишлар маркази маълумотлари Қирғизистондаги мусулмонларнинг 68 фоизи динларига эркин эътиқод қила олишларини, уларнинг 90 фоизидан ошиғи бўлса бошқаларда ҳам бундай эркинлик борлигига ишонишларини кўрсатади.

Умуман олганда, Қирғизистон матбуоти ҳам эркин ҳамда баҳсларга ўз ҳиссасини қўшади. Матбуотда сиёсий етакчилар ҳамда фуқаролик жамиятининг турли қарашлари ёритилади. Онлайн муҳит аниқса очиқдир: бир неча янгиликлар сайтларида президент, парламент ҳамда ҳукумат танқид қилинади. Расмийлар онлайн форумларда ҳамда ижтимоий тармоқларда камдан-кам орага киради. Ҳукумат расмийларининг ўзлари борган сари кўпроқ ижтимоий матбуотдан фойдаланмоқдалар. Ёш фаоллар ҳам эркин матбуот асбобларини қирғиз тилини ҳамда маданиятини тарғиб қилишда қўлламоқдалар. Масалан, фаоллар Google таржимон учун қирғизча модуль яратишди ҳамда унча танилмаган қирғиз шоирлари ҳақида фильмларни тайёрлашди.

## Тарих ва хотира

Тарих Қирғизистон учун альтернатив йўллар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳақда Плюрализм глобал маркази бунортмасига биноан доктор Жефф Саҳадео тайёрлаган “Тарих ва хотира: Қирғизистон ва Фарғона водийсида плюрализмнинг аҳамияти” мақоласида батафсил ёзилган. Мақолада бирлаштирувчи давлатчилик қуриш учун асос бўла оладиган тарихий ҳодисалар ҳамда талқинлар келтирилган. Масалан, Фарғона водийси бир неча минг йилдан бери турли халқларнинг учрашув нуқтаси бўлиб келади.

Этник гуруҳлар ўртасидаги тангликларни келтириб чиқаришда совет даврида яратилган ҳудуд ҳамда миллатга асосланган ўзликларнинг роли каттадир. 1930 йилларнинг ўрталарида алоҳида миллатларнинг хусусиятларини расмийлаштиришда ва бу хусусиятларни давлатчиликка асос қилиб олишда большевиклар гуруҳлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳам чақирган. Бу “халқлар дўстлиги” шиорида ўз аксини топган. Мустақил Қирғизистоннинг илк президенти аввалига фуқаролик, халқ ҳамда миллатни алоҳида-алоҳида тушунча сифатида тарғиб қилди, лекин кейинроқ миллатчилик томон оға бошлади.

Қирғизистонда ўзликни ҳамда давлатчиликни шакллантиришда роль ўйнаб келатган омиллар орасида “Манас” тарихий эпоси ҳам бор. Бу дoston қирғиз жамиятида Гомер афсоналаридек олқишланади. Ақаев “Манас”дан миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш учун фойдаланган бўлса, кейинги йилларда дostonдан қирғизлар ўзлари Қирғизистон давлатини қурувчи халқ экани ҳақидаги даъволарни қўллаш йўлида фойдаланмоқда. Аммо эпоснинг турли тарихий талқинлари мавжуд. Уларнинг айримларида Қирғизистоннинг кўп маданиятли ўтмиши ҳамда халқлари ўртасидаги умумийлик ва алоқаларга урғу берилади. Бу каби яширинган тарихлар омма онгида қайта тикланиши лозим.

### Худудий ҳамда трансмиллий таъсирлар

Қирғизистонда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳаммани ўз ичига олувчи, иқтисодий жиҳатдан бой жамият қуриш истиқболига мамлакатнинг анча катта бўлган Хитой ҳамда Россия иқтисодларига яқин жойлашгани, қўшни мамлакатлардаги беқарорлик ва авторитар тузумлар ҳамда худуддаги чегара ва трансмиллий рақобат кўп миллатли мамлакатлар ўртасида келтириб чиқарадиган тарангликлар сўзсиз таъсир қилади. Бутунлай қуруқликда жойлашган ҳамда қашшоқ мамлакат сифатида Қирғизистон ўзининг турли этник гуруҳлари ўртасида тотувликни тарғиб қилиш орқали қўшнилари билан ҳам яхши муомала қилишдан манфаатдордир. Аммо Қирғизистонда тинчлик ҳамда барқарорликка эришиш истиқболига худудда демократиянинг йўқлиги салбий таъсир қилади.

Мамлакатга Россия жуда катта таъсир кўрсатади. Мустақилликка эришган Қирғизистонда рус тили қирғиз тили билан бир қаторда расмий тил мақомини олди. Бундан ташқари, совет даври таъсирини билим тизимида ҳамда мамлакат инфратузилмасида ҳали ҳам кузатиш мумкин. Қирғизистонда йирик сармоялар ётқизган Россия мамлакатнинг 90 фоиз меҳнат мигрантларини ўз бағрига олади. Мамлакатга келадиган умумий пул жўнатмаларининг 92 фоизи Россиядаги муҳожирлардан келади.

Соғлом иқтисодларга эришиш ҳамда худудий ҳамкорлик ва барқарорликни ошириш учун Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдони ошириш керак бўлади. Бу шартлар толерант, барчани ўз ичига олувчи жамиятларни қуриш учун жуда муҳим. Қирғизистон экспортларининг йирик қисмини тоғ-кон саноати маҳсулотлари, хусусан, олтин экспорти ташкил қилади. Гидроэнергетика

соҳаси бўлса мамлакатнинг қўшнилари билан алоқасига таъсир қилади. Бу соҳага сармоя ётқизаётган энг йирик мамлакат Россиядир. Трансчегара дарёларда гидроэнергетика иншоотларини қуриш Қирғизистон-Ўзбекистонга муносабатларига бевосита таъсир кўрсатади. Самарали бошқарув ҳамда янги иншоотлар ёрдамида Қирғизистон Афғонистон, Покистон ҳамда Хитойга электр энергиясини экспорт қилиш ниятида.

---

**“Қирғизистонда ҳеч кимни ажратмайдиган ҳамда плюралистик жамият яратиш учун пойдевор бор.”**

---

### III. Плюрализм истиқболини юксалтириш

Қирғизистонда ҳеч кимни ажратмайдиган ҳамда плюралистик жамият яратиш учун пойдевор бор. Бунга мисол сифатида яқинда бўлиб ўтган очиқ ва адолатли сайловлар ҳамда жонли сиёсий муҳит қиёфасида намаён бўлувчи, томирлари тобора чуқурлашиб бораётган демократик мунозараларни; демократик институтларда хилма-хилликка етакловчи конституциявий ислохотларнинг иштиёқ билан қабул қилинишини; ғайратли фуқаролик жамиятини; қизгин ва цензура қилинмайдиган матбуотни; давлат ташкилотларида плюрализм пешқадамларининг борлигини; барча миллат вакилларининг Қирғизистон давлатига содиқлигини келтириш мумкин.

2010 йилдан кейин ишлаб чиқилган энг муҳим ташаббусларнинг бири ҳукумат 2012 йилда қабул қилган “Қирғиз Республикасининг миллий бирдамлик ҳамда миллатлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича концепцияси”дир. Концепцияда хилма-хилликни қабул қилиш ғояси илгари сурилади. Хилма-хилликни таърифлашда этник, маданий, тил ҳамда ёш бўйича фарқлар эътиборга олинган. Муҳими, ҳужжатда жамиятдаги тангликларни тушунтиришда миллат билан чекланиб қолмай, Қирғизистондаги иқтисодий, демографик ҳамда сиёсий ўзгаришлар тилга олинади. Бу концепция яратиб берган имониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилгани йўқ.

Глобал ҳамжамият Қирғизистондаги конфликтнинг илдизларига, унинг илк оқибатларига ҳамда ўсиш ва ҳаёт даражасини оширишга қаратилган иқтисодий ривожланиш йўлларига эътибор қаратиб келади. Плюралистик маданиятни ўстириш учун бундан бошқа жуда кўп ишларни олиб бориш мумкин. Бунинг учун юқорида айтиб ўтилган пойдевордан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қирғизистонда плюрализмни илгари суриш учун қуйидагиларни бажариш мумкин:

- Сиёсий лидерлар, ҳукумат ишчилари ҳамда фуқаролик жамияти аъзолари билан уларнинг турли гуруҳларнинг, жумладан, ёшлар, аёллар, жинсий ва этник озчиликлар ҳамда бошқа мушкул аҳволдаги гуруҳларнинг эҳтиёжларини англай олиш ва улар учун курашиш қобилиятларини кучайтириш мақсадида иш олиб бориш;
- Конференциялар, фикр алмашиш ҳамда расмий ўқув дастурлари орқали маҳаллий плюрализм пешволарига бошқа мамлакатлар тажрибаси билан танишиш учун имкон яратиш;
- Таълим соҳасида ишловчиларга ҳамда вазирлик расмийларига Қирғизистоннинг турли-туман аъзоларга эга жамиятини олқишловчи ҳамда гуруҳлар орасида толерантликни ва ўзаро ҳурматни тарғиб қилувчи дарс дастурларини ишлаб чиқишларида ёрдам бериш учун уларни тажриба ҳамда профессионал ўсиш учун шароит билан таъминлаш;
- Турли форумларни ташкил қилиш ҳамда матбуотнинг мустақил таҳлил қилиш қобилиятини ўстириш орқали соғлом оммавий баҳс-мунозара маданиятини қўллаш;
- Қирғизистондаги фаол шаҳар ёшларининг ҳаракатларини қўллаш ҳамда кучли томонларини ўстириш; бунда уларнинг иш бозоридаги истиқболи билан чекланмасдан, келажакда ҳеч кимни ажратмайдиган ҳамда демократик жамиятда ўйнайдиган лидерлик ролларига эътибор берилиши керак;
- Қирғизистоннинг иқтисодий истиқболини яхшилаш ҳамда ҳудудий ҳамда этник тарангликларга барҳам бериш учун ҳудудий савдо ва ҳамкорлик даражасини ошириш;
- Суд тизимини ислоҳ қилиш ҳамда 2010 йилги этник зўравонлик айбдорлари жазосиз қолаётгани ҳақидаги қарашлар келтириб чиқараётган тангликни озайтириш учун ҳукумат ҳамда фуқаролик жамияти билан иш олиб бориш.

---

Плюрализм глобал маркази халқаро изланиш ва таълим маркази бўлиб, унга Ага Хан олий ҳазратлари ҳамда Канада ҳукумати асос солган. Марказнинг мақсади одамларнинг турли-туманлигига бўлган ҳурматни янгича глобал этика сифатида илгари суришдир. Марказга Канададаги плюрализм илҳом бағишлаган. Канада мисоли инсонлар орасидаги хилма-хиллик қадрланса ҳамда муваффақиятли жамиятлар учун асос сифатида тан олинса, ҳукуматлар ҳамда фуқаролик жамияти нималарга эришиши мумкинлигини кўрсатади.

---